

7. Sovhira S., Bezliudnyi O., and Pidlisnyi Y.(2019). Experimental study on the legal culture of future economic bachelor. *Humanities & Social Sciences Reviews*. Volume 7, Number 4, Pages 787--799, <https://doi.org/10.18510%2Fhssr.2019.74102>, <https://core.ac.uk/display/268004859?recSetID=>
8. Ibodulla, E., Makhmudovich, S. M., & Oynisa, M. (2019). The role of constructive ideas in the formation social-political consciousness of youth and social progression in Uzbekistan. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 28(14), 19-23.
9. Avazov N.R., Rakhamanova N.T., Kakhramonov J.B., Azimova N.N., Muratova, M.N. (2021). Ensuring macroeconomic stability and increasing investment activity (A case of Uzbekistan). *Journal of Contemporary Issues in Business and Government*, 27(2), 5128-5136. doi: 10.47750/cibg.2021.27.02.525, https://cibgp.com/article_10862.html
10. Samira Yakubova, Sevara Yunusova, Nargiza Shaislamova, Sherzodbek Murodov, Nuriddin Avazov and Nodirjon Shovkatov(2021). "The role of public-privatepartnerships in financing infrastructure projects". *E3S Web Conference*, 284 (2021) 07018.DOI <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202128407018>, https://www.e3s-conferences.org/articles/e3sconf/abs/2021/60/e3sconf_tpaece2021_07018/e3sconf_tpaece202_1_07018.html
11. Avazov Nuriddin, Azimova Lola and Saidjon Khayitov (2021). "The Impact of the Digitalization Process and Investment on the Structural Changes of the Economy". *REVISTA GEINTEC-GESTAO INOVACAO E TECNOLOGIAS*. Vol. 11 No. 4 (2021). DOI: <https://doi.org/10.47059/revistageintec.v11i4.2264> <https://www.revistageintec.net/index.php/revista/article/view/2264>
12. Jamalova G.G. Khakimov N.Kh., Rakhimshikova M.K., Sadikov A.K.(2021). Innovative aspects of reforming higher education in a new stage of development of Uzbekistan. *European Journal of Molecular & Clinical medicine*. Volume 8, Issue 03, 368- 380 p. http://ejmcm.com/article_8433.html
13. Жамалова Г.Г. (2021). Роль образования в развитии страны и в воспитании гармонично развитого поколения. *Academic research in educational sciences*, 2(3). <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-obrazovaniya-v-razvitiu-strany-i-v-vospitanii-garmonichno-razvitetogo-pokoleniya>
14. Жамалова Г.Г. (2020). Особенности дистанционного обучения и его история. *Science and Education*, 1(8), 496-499. <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-distantsionnogo-obucheniya-i-ego-istoriya>



ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ

doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a37

Адизов Бахтиёр Исламович –
Бухоро давлатуниверситети
мустақил изланувчиси

Аннотация. Ушбу мақола Ўзбекистонда олий таълим муассасалари битирувчилари раҷобатбардошлигини ошириш жараёнларини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлашга бағишиланган бўлиб, эндоген омил ва унга таъсир этувчи экзоген омил кўрсаткичларининг можияти кўриб чиқилган. Тадқиқот усууллари натижалари ҳамда етакчи экспертлари иштирокида ўтказилган эксперт таҳлили асосида олий таълим муассасалари битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сони кўрсаткичининг 2012-2026 йилларда ўзгариши прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: таълим, таълим хизматлари бозори, раҷобатбардошлиқ, эконометрик модель, Фишер мезони, Ақиакейк ахборот мезони, Ханнан-Куин мезони, Шварц мезони, Дарбин-Уотсон мезони.

ЭКОНОМЕТРИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ И ПРОГНОЗИРОВАНИЕ ПРОЦЕССОВ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ВЫПУСКНИКОВ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ УЗБЕКИСТАНА

Адизов Бахтиёр Исламович –
Соискатель Бухарского государственного университета

Аннотация. Данная статья посвящена эконометрическому моделированию и прогнозированию процессов повышения конкурентоспособности выпускников высших учебных заведений Узбекистана, а также рассмотрена сущность показателей эндогенного фактора и влияющего на него экзогенного фактора. По результатам методов исследования и экспертного анализа, проведенного с участием ведущих специалистов, разработаны прогнозные показатели изменения показателя количества первичных рабочих мест выпускников вузов в 2012-2026 гг.

Ключевые слова: образование, рынок образовательных услуг, конкурентоспособность, эконометрическая модель, критерий Фишера, информационный критерий Акиакаке, критерий Ханнана-Куинна, критерий Шварца, критерий Дарбина-Ватсона.

**ECONOMETRIC MODELING AND FORECASTING OF THE PROCESSES OF INCREASING
THE COMPETITIVENESS OF GRADUATES OF HIGHER EDUCATIONAL
INSTITUTIONS OF UZBEKISTAN**

***Adizov Bakhtiyor Ismatovich –
Independent researcher of Bukhara state University***

Abstract. This article is devoted to econometric modeling and forecasting of the processes of increasing the competitiveness of graduates of higher educational institutions in Uzbekistan, and also considers the essence of indicators of the endogenous factor and the exogenous factor influencing it. Based on the results of research methods and expert analysis conducted with the participation of leading experts, forecast indicators for changes in the indicator of the number of primary jobs for university graduates in 2012-2026 were developed.

Keywords: education, educational services market, competitiveness, econometric model, Fisher criterion, Akaike information criterion, Hannan-Quinn criterion, Schwarz criterion, Durbin-Watson criterion.

Кириш. Ижтимоий тараққиётнинг барча босқичларида инсон ривожланишининг асосий мақсади уларнинг фаровонлигини таъминлаш, соғлом ва бунёдкорлик ҳётидан етарлича баҳра олиш имкониятини берадиган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳамда экологик муҳитни яратишдан иборат. Инсон ривожланиши концепциясида таълим асосий таркибий қисмлардан бири ҳисобланиб, жамиятнинг муҳим муаммоларини ҳал этишда ҳам у асосий ўрин эгаллади. Инсоният цивилизацияси давомида таълим ва илм-фани юқори даражада ривожлантириш ижтимоий, техник ҳамда иқтисодий тараққиётнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган. Шунга кўра, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз керак. Ҳеч бир давлат илм-фанинг барча соҳаларини бир йўла тараққий эттира олмайди. Шунинг учун биз ҳам ҳар йили илм-фанинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш тарафдоримиз” [1].

Келажакни олдиндан кўрмасдан, унинг ривожланиш йўлларини прогнозламасдан, жамият ҳёти тараққиётiga эришиш мумкин эмас. Охирги йилларда иқтисодий жараёнларни прогнозлаш иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларининг мақбул даражада ишлашини таъминлашнинг асосий воситаларидан бирига айланмоқда. Келгуси даврни режалаштириш ва ривожлантиришнинг муқобил сценарийларини ишлаб чиқиши жараёнида прогнозлаш жамият ишлаб чиқариши ва унинг мақсадларини илмий асослашда ижтимоий-иктисодий ривожланиш йўлларини олдиндан кўриш воситаси вазифасини бажаради. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий моделлаштириш узоқ ва ўрта муддатли иқтисодий самарадор йўналишлар, сиёsat ва қабул қилинган қарорлар

амалиётда қай аҳволдалигини кўра билиш учун зарур.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Эконометрик моделларни ўрганиш, хусусан, кўп омилли эконометрик моделлар асосида олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлигини ошириш бўйича хорижий ва республикамиз олимлари илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Тадқиқотчи Д.А.Коноплянская томонидан олий таълим муассасалари талabalарининг рақобатбардошлигини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар қаторида давлат-хусусий шерикчилик омили чуқур ўрганилган [2]. А.А.Борисова олий таълим муассасаси битирувчилари рақобатбардошлиги шаклланишида омил-детерминантлар, уларнинг таъсир даражасини баҳолаш услубиётини тадқиқ этган [3]. Ж.Закие ва А.Сакснинг изланишларида олий таълим муассасаси битирувчилари рақобатбардошлиги шаклланишига таъсир этувчи омиллар когнитив ёндашув асосида ўрганилиб, ушбу омилларнинг натижавий омилга таъсири кўп омилли боғланишлар асосида баҳолангандан [4]. М.М.Ирматов, М.Т.Хайдаров фикрича, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқариш мақбул қарорлар танлаш ва уларнинг ижросини таъминлаши зарур, чунки бугунги кунда жамият учун асосланмаган қарор қабул қилишдан кўриладиган зарар даражаси кўп маротаба ўсиб бормоқда. Шунинг учун замонавий хўжалик юритишни прогнозлаш қўлами кенгайтирилиши, унинг усул ва услубиятлари такомиллаштирилишини илмий асослаб берганлар [5].

Тадқиқотчи О.Қаххоров томонидан олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлигининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар ички ва ташқи омиллар гурухига ажратилган ҳолда таснифланган [6]. Ж.Р.Тохиров эса таълим хизматлари бозори

ривожланиши мақсадли кўрсаткичларини шакллантиришда таълим хизматларининг умумий ҳажм ўзгаришига таълим соҳасида бандлар сони, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ҳамда аҳоли жон бошига тўғри келувчи реал умумий даромадлар ҳажми каби омиллар таъсирини ўрганган [7].

Ижтимоий ривожланиш жараёнини прогнозлаш даражаси қанчалик юқори бўлса, жамиятдаги жараёнларни бошқариш ва ривожлантириш шунчалик самарали кечади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада абстракция, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, статистик таҳлил, анкета сўрови, эксперт баҳолаш усули, иқтисодий-математик усуллар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, қонун ҳамда тадқиқот мавзусига оид хорижий ва маҳаллий адабиётлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлигини оширишни макро ёки мезодаражада моделлаштириш фаолиятнинг ривожланишига ижобий ёки салбий таъсири этувчи энг муҳим омилларни бошқаришга асосланади. Ушбу омилларни ажратиб олиш ва уларнинг натижавий омил, яъни соҳанинг ялпи хизматлари ҳажмига таъсири асосидаги омилли моделлар корреляцион-регрессион таҳлил асосида амалга оширилади ҳамда натижавий кўрсаткичнинг тузилган эконометрик моделлар орқали ҳисобланган прогнозлари ёрдамида фаолиятни ташкил этишининг сценарийлари ишлаб чиқилади.

Олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлигини оширишнинг статистик таҳлили негизини унга таъсири этувчи иқтисодий ўсиш омиллари ўртасидаги боғлиқликлар шаклларини, бу боғлиқликда иқтисодий ўсишга таъсири этувчи омилларнинг қайси бири муҳимлиги ҳамда уларнинг бошқа омиллардан фарқ қилувчи хусусиятларини аниқлаш ташкил этади.

Тармоқ ва соҳалар, хусусан, улар таркибига киравчи корхоналарнинг ривожланиши ва унга таъсири этувчи омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- омиллар ўртасидаги боғлиқликларнинг йўналишлари;
- омиллар ўртасидаги боғлиқликнинг вақт бўйича ўзгариш хусусиятлари;
- омиллар ўртасидаги боғлиқлик маъносининг сабаблилиги ёки биргалиқда иштирок этиши ва ҳоказо.

Омилли моделларни шакллантиришда моделлар глобал, макро, мезо ёки микродаражадаги иқтисодий жараёнларнинг натижавий кўрсаткичлари ва уларга омилларнинг боғлиқлиги омилларнинг таъсири даражасига мос ҳолда харажатлар-ишлаб чиқариш модели шаклида танланади. Харажатлар-ишлаб чиқариш шаклидаги боғлиқликда фаолият натижавий омили битта кўрсаткич ва кўп бўлмаган омилларга боғлиқ, деган тушунчага таянади ҳамда иқтисодий жараён кўп кўрсаткичли ва кўп омилли боғлиқликда таҳлил қилинади ва боғлиқлик шакллари қиёсий таққосланади.

Олий таълим муассасалари ресурсларидан ишлаб чиқариш омили сифатида фойдаланиш ва бунинг натижасида натижавий омил ва унга таъсири этувчи омиллар ўртасида юзага келувчи ўзига хос боғлиқликлар ишлаб чиқариш модели учун бир хил бўлади. Ишлаб чиқариш моделида соф иқтисодий тушунча асосида изоҳланадиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёни, ишлаб чиқариш омиллари ва ишлаб чиқарилган маҳсулот асосий категориялар ҳисобланади.

Жараёнларнинг кўп омилли боғланишини ўзида акс эттирувчи ишлаб чиқариш функциялари фаолиятнинг яратилган хизматлари (ишлаб чиқарилган маҳсулотлари) ҳажми, меҳнат ва капитал сарфи, фондлар қайтими, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлар аро боғлиқликларни моделлаштириш ҳисобланади. Умумий ҳолда маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқариш функцияси кўринишидаги моделларни қуидаги функция кўринишида беришимиз мумкин:

$$N = f(F_1, F_2, F_3, \dots, F_n)$$

Бунда: N – яратилган маҳсулот (хизмат)лар ҳажми;

$F_1, F_2, F_3, \dots, F_n$ – фаолият натижасига, яъни натижавий омилга таъсири қилувчи омиллар.

Шундай қилиб, натижавий кўрсаткич ва унга таъсири қилувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликларни ифодаловчи модель, яъни ишлаб чиқариш функциясини регрессия тенгламаси билан ифодалаш мумкин.

Иқтисодий-математик моделларни тузишда натижавий омил ва унга таъсири қилалигидан омиллараро чизиқли боғлиқлик мавжуд дейилади. Бу тахмин натижавий кўрсаткич ва омиллараро боғлиқликнинг пропорционал аниқ коэффициенти, фаолиятга тўғридан-тўғри сарф коэффициенти билан белорек.

гиланади. Иқтисодий ўсиш таҳлилида қўлланиладиган чизиқли дастурлаш моделларидаги ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)лар ҳажми ва ресурслар сарфи тўғри пропорционал кўринишида бўлади.

Амалий вазиятлар учун ишлаб чиқаришнинг чизиқли функцияларидан фойдаланиш амалда қўлланиладиган ва тузиш осон бўлган математик моделларни тузиш имконини беради. Иқтисодий ўсиш, хомашё ва асосий воситалар сарфи ўртасида чизиқли боғлиқлик мавжуд бўлса, меҳнат ва асосий фондлар сарфи ўртасидаги боғлиқликлар чизиқли кўринишидан мураккабдир. Иқтисодий ўсиш таҳлилининг иқтисодий-математик моделларини тузиш ҳамда янги усуллардан фойдаланиш ўсиш ва унинг омиллари ўртасидаги боғлиқликларни чуқурроқ ва аниқроқ ўрганиб чиқиши талаб этади.

Аниқ вазиятлар учун иқтисодий ўсиш функциясининг чизиқсиз кўриниши қўйида-гича бўлади:

$$N = a_0 \cdot F_1^{a_1} \cdot F_2^{a_2} \cdot F_3^{a_3} \cdots \cdot F_n^{a_n}$$

Бу функция ёрдамида ҳар бир омилнинг натижавий омилга таъсирини аниқлашимиз мумкин. Натижавий омилнинг ўзгариш тезлиги икки хил: ўсишнинг мутлақ тезлиги ва ўсишнинг нисбий тезлиги кўринишида бўлади.

Натижавий кўрсаткичнинг ҳар бир омили учун кўрсаткичнинг мутлақ ўсиш тезлиги ўсишнинг чизиқсиз кўринишидан бирон-бир омил бўйича хусусий ҳосила олиш билан аниқланади. Масалан биринчи омил учун:

$$\frac{\partial N}{\partial F_1} = a_0 \cdot a_1 \cdot F_1^{a_1-1} \cdot F_2^{a_2} \cdot F_3^{a_3} \cdots \cdot F_n^{a_n}$$

Маълумки, натижавий омилнинг ўзгариши унинг барча омилларига тўғридан-тўғри боғлиқ. Омил бўйича олинган хусусий ҳосилалар нисбати бу омилларнинг ўрин алмашувининг ўзига хос меъёрий кўрсаткичи бўлади.

Иқтисодий ўсиш моделларидаги натижавий омил ўзгаришининг абсолют тезлигидан ташқари нисбий тезлиги ҳам катта иқтисодий аҳамиятга эга. Иқтисодий ўсиш моделларидаги натижавий омил ўзгаришининг нисбий тезлиги ўсишнинг бирон-бир омил сарфи 1 % ўзгарганда, ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат) ҳажми қанча фоизга ўзгаришини кўрсатувчи миқдордир.

Албатта, юқорида кўрсатиб ўтилган иқтисодий-математик моделлаштириш усул-

лари ва улардаги ишлаб чиқариш функцияларидан фойдаланишдан асосий мақсад тармоқ ва соҳа, хусусан, улар таркибидаги корхоналарнинг мавжуд ресурслар шароитида оптималь фаолиятини ташкил этишдан иборат.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари эконометрик таҳлилида юқорида кўриб чиқилган кўп омилли ишлаб чиқариш функциялари ва улардан келиб чиқадиган функциялардан кенг фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сонини кўп омилли боғланиш асосида ишлаб чиқариш функцияси кўринишидаги эконометрик моделларини аниқлаймиз. Аниқланадиган моделлар макродаражада ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сонига таъсир этувчи омилларни бошқариш йўналишларини аниқлаш асосида ўрта ва узоқ муддатли давр учун мақсадли прогноз кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда ушбу кўрсаткичларни таъминлаш учун зарур бўлган тадбирларни белгилашга ёрдам беради.

ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сони ўзгаришини эндоген омил сифатида олган ҳолда унинг асосий омил (ресурс)лар таъсирида ўзгариши бўйича кўп омилли таҳлил амалга оширилди. ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сонини функциянинг юқори чўққиси, яъни натижавий омил сифатида белгилаб олган ҳолда, унга таъсир этувчи омил кўрсаткичлари амалга оширилган тадқиқот усуллари натижалари ҳамда етакчи эксперталари иштирокида ўтказилган эксперт таҳлили асосида танланган қўйидағи кўрсаткичлар танланди (1-жадвал):

X_1 – фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони;

X_2 – олий таълим муассасалари битирувчилари сони;

X_3 – инновацияларга қилинган харажатлар ҳажми;

X_4 – олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти.

Эндоген омил ва унга таъсир этувчи экзоген омил кўрсаткичларининг можияти кўриладиган бўлса, таъсир этувчи омиллар сифатида капитал, ресурс ҳамда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти орқали муҳим таъсирга эга бўлган омилларни ифодаловчи омил кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқариш модели кўринишидаги моделга яқин бўлган боғланишга эга бўлади. Ажратиб олинган асосий эндоген ва экзоген омилларнинг боғланиши асо-

сида ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сонининг ўзгариш трендларини аниқлаш мақсадида юқоридаги вақтли

қатор кўринишидаги маълумотлар EViews 10 дастуридан фойдаланган ҳолда таҳдил қилинди.

1-жадвал

ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сони ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичлари

Йиллар	ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сони, минг киши (Y)	Фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони, бирлик (X_1)	Олий таълим муассасалари битирувчилари сони, минг киши (X_2)	Инновацияларга қилинган харажатлар ҳажми, млрд. сўм (X_3)	Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти, фоиз (X_4)
2012	59,4	229177	60,9	311,9	27,2
2013	54,8	241201	60,5	4634,2	27,4
2014	62,4	246687	67,6	3757,4	28,1
2015	62,1	257758	66,3	5528,3	28,8
2016	60,2	268428	64,1	2571,4	31,9
2017	63,7	285531	67,4	4162,3	32,7
2018	68,1	323517	70,3	4707,2	34,5
2019	62,7	398133	70,8	6603,5	37,2
2020	77,8	475197	83,9	6830,0	38,0
2021	98,6	528929	103,9	17680,8	40,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Юқоридаги жадвалда ажратиб олинган натижавий ва таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг ўлчов бирлиги бир хил эмаслиги, яъни омил кўрсаткичларининг бир жинсли эмаслиги сабабли асосий тренд моделини чизиқли логарифмик боғланиш кўринишида аниқлаб оламиз. Бунинг учун омил кўрсаткичларининг барчаси натурал логарифмик кўрсаткичларга келтириб олинади (2-жадвал).

EViews 10 дастурий пакетидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган регрессион таҳдил жараёнида аниқланган параметрлар ҳамда моделнинг аҳамияти дастур томонидан ҳисобланган асосий баҳолаш кўрсаткичлари орқали баҳоланган. Регрессион таҳдил натижаларидан кўрилаётган ҳолат учун регрессион моделнинг коэффициентларини ажратиб олган ҳолда тренднинг чизиқли логарифмик модели шакллантириб олинади.

2-жадвал

ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сони ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг логарифмик қиймати

t	LnY	LnX_1	LnX_2	LnX_3	LnX_4
2012	4,08	12,34	4,11	5,74	3,30
2013	4,00	12,39	4,10	8,44	3,31
2014	4,13	12,42	4,21	8,23	3,34
2015	4,13	12,46	4,19	8,62	3,36
2016	4,10	12,50	4,16	7,85	3,46
2017	4,15	12,56	4,21	8,33	3,49
2018	4,22	12,69	4,25	8,46	3,54
2019	4,14	12,89	4,26	8,80	3,62
2020	4,35	13,07	4,43	8,83	3,64
2021	4,59	13,18	4,64	9,78	3,69

Манба: Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида ишлаб чиқилган.

Аниқланган маълумотлардан фойдаланган ҳолда, ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сони ва унга таъсир этув-

чи омиллар таъсирида ўзгаришининг кўп омилли эконометрик модели тузилди. Унга кўра ушбу жараённи ифодаловчи

$$\ln Y = -0,293 \cdot \ln X_1 + 1,356 \cdot \ln X_2 - 0,02 \cdot \ln X_3 + 0,318 \cdot \ln X_4 + 1,183 \quad (1)$$

регрессия тенгламаси тузилди.

Аниқланган чизиқли логарифмик модель потенциалланса, ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сонини ифодаловчи чизиқсиз кўринишдаги эконо-метрик модель келиб чиқади:

$$y = \frac{X_2^{1,356} \cdot X_4^{0,318} \cdot e^{1,183}}{X_1^{0,293} \cdot X_3^{0,02}} \quad (2)$$

Дастурий пакетдан фойдаланган ҳолда аниқланган тренд моделлари асосида 2021-2026 йилларда ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сони ўзгаришининг истиқболдаги кўрсаткичлари ҳамда уларни ҳисоблаш учун энг қулай моделлар рўйхати келтирилди (3-жадвал).

3-жадвал


ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сони ва унга таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг тренд моделлари ҳамда 2021-2025 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар ва уларнинг омилли моделлари	Прогноз кўрсаткичлари				
	2022	2023	2024	2025	2026
ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сони, минг киши $y = \frac{X_2^{1,356} \cdot X_4^{0,318} \cdot e^{1,183}}{X_1^{0,293} \cdot X_3^{0,02}}$	81,6	89,6	92,4	97,3	100,1
Фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони, бирлик $x_1 = 32165,758 \cdot t + 148544,13$	502367	534533	566699	598865	631031
Олий таълим муассасалари битирувчилари сони, минг киши $x_2 = 3,528 \cdot t + 52,17$	91	95	98	102	105
Инновацияларга қилинган харажатлар ҳажми, млрд. сўм $x_3 = 1121,51 \cdot t - 489,59$	11847,0	12968,5	14090,0	15211,6	16333,1
Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти, фоиз $x_4 = 1,538 \cdot t + 24,13$	41	43	44	46	47

Манба: Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Кўп омилли эконо-метрик моделдан фойдаланган ҳолда ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сони ўрта муд-

датда, яъни 2012-2026 йилларда ўзгариши қийматларининг графикда кўриниши ифодаланди (1-расм).



1-расм. ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сони кўрсаткичининг 2012-2026 йилларда ўзгариши, млрд. сўм (2022-2026 йил прогноз кўрсаткичлари)

Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Юқоридаги омилли боғланишлар асосида биз томонимиздан олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлигини оширишда энг мұхим деб топилган күрсаткічларнинг натижавий күрсаткичи ҳисобланған ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашғанлар сонига омиллар таъсири асосидағи ривожланиш сценарийси ишлаб чиқылди. Аниқланған трендлардан фойдаланиш соңға киритилаётган ресурс ҳажмини түрін тақсимлаган ҳолда ресурс бирлигидан олиандыған самараны оптималлаштириш имконини беради.

Күп омилли боғланиш асосида аниқланған тренд моделлари келгуси даврда соңға фаолияти асосий күрсаткічларининг танланған омиллар таъсирида маълум бир чегарадағи хатоликларни ҳисобға олган ҳолда ўзгаришини олдиндан прогнозлаш имконини беради. Тадқиқот жараёнида ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашғанлар сонининг ўзгариши ҳам 4 та асосий омил таъсирида келгуси давр учун прогноз қийматларини аниқлашда қўл келади.

Эконометрик модельлаштиришнинг верификация босқичида аниқ омиллар таъсирида ишлаб чиқылған модель ва унинг параметрлари аҳамияти түртта йўналиш бўйича текширилади:

- моделнинг сифати кўпликдаги корреляция коэффициенти ва детерминация коэффициенти ёрдамида баҳоланади;
- моделнинг аҳамияти аппроксимация хатолиги ва Фишер мезони ёрдамида баҳоланади;
- моделнинг параметрлари ишончлилиги Стьюодент мезони бўйича баҳоланади;
- Дарбин-Уотсон мезони ёрдамида “энг кичик квадратлар усулининг” бажарилиш шартлари текширилади, яъни тузилган тренд моделида автокорреляция ёки мультиколлениарлик даражаси мавжудлиги баҳоланади.

Таҳлил қилинаётган қаторлар динамикаси ҳар доим анчагина узунроқ қаторларнинг танламаси ҳисобланади, биз томонимиздан аниқланған эконометрик модель учун ҳам 10 йиллик вақтли қаторлардан фойдаланилди. Шунинг учун корреляцион-регрессион таҳлил асосида олинган эконометрик моделларнинг ишончлилигини ҳар томонлама текшириш ва баҳолаш лозим.

Тузилган эконометрик моделнинг аҳамиятлилиги, ишончлилиги ва кейинчалик

прогнозлашда қўллаш мумкинлиги қўйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

1. Эконометрик моделларнинг аҳамиятини Фишер мезони ва аппроксимация хатолиги ёрдамида баҳолаш.

2. Эконометрик моделлар сифатини кўп омилли корреляция коэффициенти ва детерминация коэффициенти ёрдамида баҳолаш.

3. Эконометрик модель параметрларини Стьюодент мезони ёрдамида баҳолаш.

4. Қаторларда қолдиқ автокорреляцияни Дарбин-Уотсон мезони бўйича баҳолаш.

Юқоридаги ҳисоб-китоблар асосида аниқланған эконометрик моделнинг аҳамияти ва унинг параметрлари сифатини баҳоламасдан туриб, моделдан амалиётда фойдаланиш катта хатоликларнинг юзага келишига олиб келади. Шуни эътиборга олган ҳолда, ОТМ битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашғанлар сонининг ўзгариш моделини, унинг аҳамияти ва модель параметрларининг сифатини баҳолаймиз.

EViews 10 дастурий пакетидан фойдаланған ҳолда амалга оширилган регрессион таҳлил жараёнида аниқланған параметрлар ҳамда моделнинг аҳамияти дастур томонидан ҳисобланған асосий баҳолаш күрсаткічлари орқали баҳоланганди (4-жадвал).

Дастурий пакет асосида амалга оширилган таҳлил натижавий омилнинг таъсир этувчи омиллар билан кўпликдаги корреляцияси $r=0,9958$ га, детерминация коэффициенти $R^2=0,9916$ га тенг эканлигини кўрсатмоқда. Бу эса таъсир этувчи омиллар билан натижавий омилнинг юқори зичлиқда корреляцияга эга эканлигини ва ҳисобланған күрсаткічлар билан реал күрсаткічлар орасидаги фарқ сифатидаги қолдиқларнинг ҳам зич боғланғанлигини кўрсатади.

Жадвалда кўрсатилган күрсаткічлар қийматидан фойдаланған ҳолда тузилган эконометрик моделнинг аҳамияти ва параметрлари сифати баҳоланади. Аниқланған моделдаги эндоген омил учун Фишер мезони қиймати 125,62 га тенг бўлиб, унинг аҳамияти 0,000033 га тенг. Бундан кўриниб турибдики, тузилган тренд моделини аҳамияти жиҳатидан амалиётда қўллаш мумкин.

Модель сифати дастурий пакет восита-сида Акиаке ахборот мезони (-4,455), Шварц мезони (-4,303) ва Ханнан-Куин мезони (-4,621) орқали баҳоланганди. Ушбу мезонлар қиймати ҳам тренд моделини амалиётда қўллаш мумкинлигини кўрсатади.


ОТМ битириувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сони бўйича танланган омилларнинг боғланиш хусусиятлари ва тузилган омилли модель сифатининг асосий кўрсаткичлари

Dependent Variable: ОТМ битириувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сони, LnY				
Method: Least Squares				
Date: 07/08/22 Time: 11:04				
Sample: 2012 2021				
Included observations: 10				
Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
ОТМ битириувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сони, $\ln X_1$	-0.292587	0.138423	-2.113716	0.0882
Фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони, $\ln X_2$	1.355923	0.133907	10.12582	0.0002
Олий таълим муассасалари битириувчилари сони, $\ln X_3$	-0.020319	0.010135	-2.004780	0.1013
Инновацияларга қилинган харажатлар ҳажми, $\ln X_4$	0.317971	0.200435	1.586404	0.1735
Тасодифий омиллар умумий таъсири, ϵ	1.183288	1.737407	1.604661	0.1695
R-squared	0.990147	Mean dependent var	4.189000	
Adjusted R-squared	0.982265	S.D. dependent var	0.168024	
S.E. of regression	0.022376	Akaike info criterion	-4.454787	
Sum squared resid	0.002503	Schwarz criterion	-4.303495	
Log likelihood	27.27394	Hannan-Quinn criter.	-4.620755	
F-statistic	125.6192	Durbin-Watson stat	2.450959	
Prob(F-statistic)	0.000033			

Манба: Муаллиф томонидан EViews 10 дастурида ҳисоблаш асосида ишлаб чиқилган.

Тузилган эконометрик моделда автокорреляция ёки мультиколлениарлик мавжудлигини аниқлаш имконини берувчи Дарбин-Уотсон (*DW*) мезони 2,45 га teng бўлиб, оптимал чегара 2,0 атрофида эканлиги ҳисобга олинса, моделда автокорреляция даржаси деярли мавжуд эмаслигини кўриш мумкин. EViews 10 дастурий пакетидан фойдаланган ҳолда олий таълим муассасалари

битириувчилари рақобатбардошлигини ошириш учун асосий таянч кўрсаткич ҳисобланган ОТМ битириувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сонининг ± 2 статистик хатолик чегараларида ўзгариши тренддини шакллантирамиз ҳамда ушбу тренднинг аҳамиятини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаймиз (2-расм).




2-расм. ОТМ битириувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сонининг 2012-2021 йиллардаги ўзгаришида соф фойданинг ± 2 статистик хатолик чегараларида ўзгариши

Манба: EViews 10 дастури асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-расмда келтирилган кўрсаткичлар тузилган моделнинг аҳамияти ҳамда адекватлигини акс эттиради. Жумладан, Теил нотенглик коэффициенти 0,0019 га, Теил U2 коэффициенти 0,136 га, Биас нисбати 0 га, вариация нисбати 0,0025 га, ковариация нисбати 0,9975 га ҳамда симметрик MAPE 0,29 га тенг эканлиги тузилган моделнинг зарур оралиқларда жойлашганлигини кўрсатади. Хусусан, симметрик MAPE учун чегара 10 гача эканлиги ҳисобга олинса, тахминийлик хатолиги дара-

жаси белгиланган чегарадан кичикилигини кўриш мумкин, яъни MAPE: $0,29 < 10$.

Юқоридагилар билан бирга, олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлигини оширишда энг муҳим деб топилган OTM битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сонининг омиллар таъсирида ўзгариш моделини баҳолашда қолдиқ, ҳақиқий ва тузилган модель қийматлари графигидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ (3-расм).



3-расм. OTM битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сонининг қолдиқ, ҳақиқий ва тузилган модель қийматлари графиги

Манба: EViews 10 дастури асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

3-расмда берилган графикда қолдиқ модель асосида ҳисобланган ва ҳақиқий қийматларнинг қолдиқ кўрсаткичлари ўртасидаги тебраниш даражаси юқори бўлса-да, ҳақиқий кўрсаткичлар ва тузилган модель асосида ҳисобланган кўрсаткичлар графиги ўртасидаги фарқ даражаси сезиларсиз эканлигини кўриш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги таҳлилий маълумотлар ҳамда кўрсаткичлар қийматларини баҳолаш асосида олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлигини оширишда энг муҳим деб топилган OTM битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сони ва унга омиллар таъсирини ҳисобга олган қуйидаги тренд моделини олий таълим муассасаларини келгуси даврда ривожлантириш стратегиялари асосида сценарийлар ишлаб чиқиш жараёнида қўллаш мумкин.

EViews 10 дастури асосида ишлаб чиқилган модель ва прогноз кўрсаткичлар олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлигини ошириш учун келгуси қисқа ва ўрта муддатлар оралиғида ривожлан-

тириш режалари ва стратегияларини ишлаб чиқиш йўналишида муқобил сценарийларни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қиласди. Олий таълим муассасаларида ушбу ишлаб чиқилган моделда фойдаланилган натижавий омил ва унинг ривожланишига таъсир этувчи омил кўрсаткичларидан ўзларининг режа ва дастурларини шакллантиришда фойдаланилса, прогнозлашнинг белгиланган мезонлари асосида текшириш натижаларига асосланиб, юқори самара бериши аниқланди.

Тузилган тренд моделларидан фойдаланишда олий таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш нуқтаи назаридан киритилаётган ресурслар (экзоген омиллар) ҳажмини ҳар бир бирлик қўшимча киритилаётган ресурс бирлигидан олинадиган самарани ҳисобга олган ҳолда белгилаш кўрсатилаётган OTM битирувчиларининг бирламчи ишга жойлашганлар сони самарадорлигини оптималь таъминлаш имконини беради ҳамда олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлигини ошириш учун мувозанатлашган ҳолда барқарор ривожланишини таъминлайди.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.
2. Коноплянский Д.А. Формирование конкурентоспособности выпускника ВУЗа в процессе обучение: роль государственно-частного партнерства. Вестник КемГУКИ 33/2015. – 179 с.
3. Борисова А.А., Тимофеева А.Ю. Конкурентоспособность выпускников ВУЗов: факторы-дeterminанты и методика диагностики. / «ВУЗы и кадровый потенциал региона», № 2, 2017. С. 89-101.
4. Zakie J., Saks A. Job search and social cognitive theory: the role of career-relevant activities. // Journal of Vocational Behavior. 2009. Vol. 74. P. 117-127.
5. Ирматов М.М., Ҳайдаров М.Т. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши прогнозлаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2005 йил. – 248 бет.
6. Қаҳҳоров О.С. Олий таълим муассасаларида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 6-сон, 2018, ноябрь-декабрь. 11-б.
7. Тохиров Д. Қўп омилии эконометрик моделлар асосида таълим хизматлари бозори ривожланиши мақсадли қўрсаткичларини шакллантириш. // Экономика и образование. 2021. 5-сон. 277-282-б.
8. Новиков А.И. Эконометрика. Учебное пособие. – М.: Инфра-М, 2010. – 146 с.



**УНИВЕРСИТЕТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ
МАҚСАДЛАР**

Адизов Санжар Рашидович -
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги,
иқтисод фанлари бўйича PhD

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a38

Аннотация. Ушбу мақолада “Университет 1.0”дан “Университет 3.0” нинг фарқи, “Университет 3.0”га ўтиш моделлари ва уларнинг меъёрлари тавсифлаб берилган, шунингдек, “Университет 3.0”ни ривожлантириш аҳамияти, мақсадлари қўрсатиб ўтилган.

Калим сўзлар: “Учинчи авлод” университетлари, тадбиркорлик экотизимлари, бозорлар, глобал рақобатбардошлиқ, замонавий университет, университетнинг замонавий моделлари.

СОВРЕМЕННЫЕ ЗАДАЧИ ДЛЯ РАЗВИТИЯ УНИВЕРСИТЕТА

Адизов Санжар Рашидович -
PhD по экономическим наукам,
Министерство высшего и среднего
специального образования

Аннотация. В данной статье описывается отличие модели Университета 1.0 от модели Университета 3.0, перехода к Университету 3.0 и их критерии, а также важность и цели развития модели Университета 3.0.

Ключевые слова: Университеты третьего поколения, бизнес-экосистемы, рынки, глобальная конкурентоспособность, современный университет, модели современного университета.

MODERN OBJECTIVES OF UNIVERSITY DEVELOPMENT

Adizov Sanjar Rashidovich -
Ministry of higher and secondary specialized
education PhD (in economics)

Annotation. This article describes the difference between University 1.0 and University 3.0, models of transition to University 3.0 and their criteria, as well as the importance and goals of the development of University 3.0.

Key words: Third generation universities, business ecosystems, markets, global competitiveness, modern university, modern university models.